

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НЕЪМАТОВА ҲИЛОЛА ГАФУРОВНА

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА
АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ, КЛИНИК -
АЛЛЕРГОЛОГИК ВА ИММУНОЛОГИК АЛОМАТЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Неъматова Хилола Гафуровна

Жиззах регионида яшовчи болалар ўртасида аллергик касалликларнинг тарқалиши, клиник аллергологик ва иммунологик аломатлари..... 3

Неъматова Хилола Гафуровна

Распространенность, клинико-иммунологические проявления аллергических болезней у детей, проживающих в Джизакском регионе 21

Nematova Khilola Gafurovna

Prevalence, clinical and immunological manifestations of allergic diseases in children living in the Jizzakh region..... 39

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022 Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НЕЪМАТОВА ҲИЛОЛА ГАФУРОВНА

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА
АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ, КЛИНИК -
АЛЛЕРГОЛОГИК ВА ИММУНОЛОГИК АЛОМАТЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Юлдашов Илхом Рузиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гариб Виктория Фирузовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Австрия)

Етакчи ташкилот

Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аллергия муаммоси замонамизнинг асосий ва энг муҳим муаммоларидан биридир. Бу нафақат мутахассисларга, балки кенг жамоатчиликка ҳам жуда яхши маълум. Ушбу мавзуни танлаш тасодифий эмас, чунки мазкур касалликлар кенг тарқалган ва ўсишга мойил, «...дунё аҳолисининг 12-15% гача аллергиядан азият чекади, оғир клиник кечиши, тез-тез ўлим билан тугайдиган ҳолатларининг кўпайиши хавотирли огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади...»¹. Халқаро статистиканинг кўрсатишича, сўнгги икки ўн йилликда аллергия билан касалланиш дунёнинг деярли барча мамлакатларида 3-4 марта кўпайган ва касаллик турларининг оғирроқ клиник кўринишларда шаклланишга мойиллик ҳам мавжуд. Шу сабабли болалар орасида аллергик касалликларни аниқлаш, ISAAC харқаро эпидемиологик дастури асосида тарқалганлигини ўрганиш ва шу асосда эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Дунё миқёсида аллергик касалликларнинг тарқалиши юқори даражада бўлишига қарамай, аллергия муаммосига кўпинча кам эътибор берилади, аниқланишича, кўпчилик болалар касалланишида амалиётда беморлар умуман кераклича даволана олмайдилар ёки вақти-вақти билан симптоматик дори-дармонларни қабул қилиб даволанадилар, бундан ташқари, ўз-ўзини даволаш кенг тарқалган. Кейинги йилларда хорижий тадқиқотчилар томонидан болалардаги аллергик касалликларнинг клиник, иммунологик жиҳатлари, болаларда ушбу касалликларнинг тарқалиши ва пайдо бўлиш интенсивлиги, турли даволаш усуллари ва ушбу патологияларнинг олдини олишга эътибор қаратилган. Болаларда аллергик касалликларни ташхислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар аллергик касалликлар, жумладан, болаларда озик-овқат аллергиялари ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш давр талаби ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, замонавий умумий ва клиник аллергологиянинг турли жиҳатлари (тарқалиши, этиологияси, патогенези, клиник кечиши хусусиятлари, ўзига хос ташхисоти ва терапияси)да батафсил аллергологик тадқиқотлар олиб борилишига эҳтиёж мавжуд. Улар орасида минтақавий аллергологияни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар орасида аллергик касалликлар шаклланиши ва ривожланишининг олдини олиш, ушбу касалликлар ривожланиши тенденциясини пасайтириш, ушбу ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш,

¹ Achilova D.N., Khushvaktova M.F. Clinical-Immunological Methods of Clinical-Immunological Research of Atopic Dermatitis in Children Permanently Residing in the Area of Oil Refining Enterprises // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - USA, 2022. - N12(10). - P.1034-1038.

тиббийёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан турли ёшдаги болалар аллергия ҳолатини аниқлаш, улар ҳаёт сифати билан боғлиқлигини баҳолаш, шу асосда ушбу болаларда аллергия касалликлар бирламчи профилактикасига янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббийёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда «аллергия» атамаси аллергия касалликларга олиб келиши мумкин бўлган исталмаган ўзига хос иммун реакцияси, турли патогенетик механизмларни амалга оширишни англатади (Макарова С.Г., Лаврова Т.Е., 2015). Юқори антиген юклар атопия ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширади: онанинг чекиши, токсикози, ҳомиладор аёллар учун иррационал дори терапияси, касбий аллергияларга таъсир қилиш, бир томонлама углеводли овқатланиш, мажбурий озиқ-овқат аллергиялари бўлган маҳсулотларни суиистеъмол қилиш ва бошқалар. Ушбу жараёнларни истисно қилиш, олдини олиш муҳим омил ҳисобланади (Черников В.В., 2012; Platz-Mills Т.А. 2004).

Сўнгги йилларда катталар ва болалар ўртасида аллергия касалликлар эпидемиологияси хорижий ва ўзимизнинг олимларимиз томонидан кенг ўрганилмоқда. Жаҳонда болалардаги аллергия касалликлар клиник-иммунологик ва тиббий-ижтимоий жиҳатлари, касалликнинг эрта ташҳиси ва кечиши турли усулларини оптималлаштириш бўйича қатор ишлар қилинмоқда, жумладан қуйидаги натижалар олинган: аллергия

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

касалликларининг ривожланиши ва кечишида клиник-иммунологик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар аниқланган (King's College London, England); аллергия касалликларининг ривожланиши турли комбинациялашган даволаш усуллари ишлаб чиқилган (University of Gothenburg, Sweden); аллергия касалликлар ривожланиши комплекс клиник-иммунологик, тиббий-ижтимоий ўрганишга концептуал ёндашув бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Tokyo Medical and Dental University, Japan); аллергия касалликларни даволашнинг турли самарали замонавий усуллари такомиллаштирилган (University of Bern, Switzerland).

Айтиш жоизки, Республикамизда қишлоқ туманларида аллергия касалликлар тарқалиши ва аниқланиш интенсивлиги бўйича клинко-иммунологик, эпидемиологик, кенг қамровли тадқиқотлар кам ўрганилган. Бу касалликларнинг тарқалиши, болалардаги аллергия касалликларнинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганишга оид ишлар кам қилинган.

Болалардаги атопик касалликлар муаммосининг долзарблиги, мазкур патологиянинг минтақавий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги ва ушбу тадқиқот натижаларининг Жиззах региони шароитида соғлиқни сақлаш амалиёти учун зарурлиги ҳамда болалар аҳолисининг аллергия касалланишини янада батафсил ўрганиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Жиззах вилоятида яшовчи болаларда аллергия касалликларнинг тарқалишини аниқлаш, турли хавф омиллари ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тиббий-профилактика тадбирлари мажмуини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

ҳар хил иқлим ва географик зоналарда яшовчи турли ёшдаги болаларда аллергия касалликлар тарқалишини ISAAC халқаро эпидемиологик дастури асосида тарқалганлигини ўрганиш ва баҳолаш (Жиззах вилояти мисолида);

аллергия касалликларнинг клиник кўринишлари мавжуд бўлган болаларда иммун ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш;

ушбу категориядаги болаларда аллергия касалликлар келиб чиқиш хавф омилларини аниқлаш ва ушбу касалликлар учраш даражаси кўрсаткичлари билан таққослаш;

ҳар хил иқлим ва географик зоналарда яшовчи турли ёшдаги аллергия касалликлар ташҳисланган болаларда аллергия касалликларнинг клинко-иммунологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бирламчи профилактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах минтақасининг ҳар хил иқлим ва географик зоналарда доимий яшовчи мактаб ёшидаги болалар (7-8 ёш, 13-

14 ёш) орасида аллергия касалликлар тарқалишининг ўрганиш асосида Жиззах шаҳри, Фориш ва Мирзачўл туманларида яшовчи 110 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор болалар вена қони ва зардоби иммунологик текширувлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аллергиялогик, иммунологик, статистик ва эпидемиологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳар хил иқлим ва географик зоналарда яшовчи турли ёшдаги болалар орасида аллергия касалликлар белгиларининг тарқалиш хусусиятларини ISAAC халқаро эпидемиологик дастури асосида ўрганиш йўлга қўйилган, илмий асосланган икки босқичли стандартлаштирилган тадқиқот усули тавсия этилган;

турли иқлимий ва географик зоналарда яшовчи 7-8 ёш ва 13-14 ёшли болалар орасида аллергия касалликлар белгиларининг кенг тарқалганлиги, тиббиёт муассасалари статистик ҳисоботлари кўрсаткичларидан юқори эканлиги исботланган, ушбу маълумотлар соғлиқни сақлашни молиялаштириш учун тақдим этилган;

ҳар хил иқлимий ва географик зоналарда яшовчи турли ёшдаги болалар орасида аллергия касалликларни эрта ташхислашни амалга ошириш учун диагностик алгоритм яратилган;

илк бор аллергия касалликлар кузатилган болаларда ривожланган иккиламчи иммунодефицит даражаси нозологик бирликлар клиник кечиши билан бир қаторда турли иқлим шароитларига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳар хил иқлим ва географик зоналарда яшовчи турли ёшдаги болалар орасида аллергия касалликларни ўрганиш бўйича эпидемиологик тадқиқотлар алгоритмига скрининг сўровномасини киритиш тавсия этилган;

турли ёшдаги болалар орасида аллергия касалликлар шаклланишининг хавф омилларини ҳақидаги маълумотларга асосланиб, педиатр, аллергиялог, дерматолог, оториноларинголог, офтальмолог томонидан хавф гуруҳларини шакллантириш ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилган;

болаларда аллергия касалликларнинг ривожланишида хавф омиллари, ташхис қўйишнинг клиник ва иммунологик жиҳатлари, тарқалиш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар клиник аллергиялогия бўйича тиббий билимлар даражасини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ва олинган

натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аллергик касалликлар тарқалишидаги эпидемиологик тадқиқотлар кўрсаткичлари ва тиббий муассасаларнинг статистик ҳисоботи ўртасидаги фарқ мазкур касалликларнинг гипоташхисоти билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, эпидемиологик тадқиқотлар натижалари болаларда аллергик касалланишнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ошкор қилишга ёрдам беради, бу эса аллергик касалликлар билан хасталаниш ва ўлимнинг ўсиш динамикасини камайтиришга қаратилган самарали тиббий-профилактика тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилоятининг турли иқлим ва географик зоналарида яшовчи болаларда аллергик касалликларнинг тарқалишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар орасида аллергик касалликлар тарқалганлиги минтақавий хусусиятларини аниқлаш имконини берувчи “Болаларда аллергик касалликлар тарқалишининг минтақавий хусусиятларини ISAAC халқаро эпидемиологик дастур асосида ўрганиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 июндаги 8 н-р/750-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши эпидемиологик тадқиқотлар натижалари болаларда аллергик касалланишнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ошкор қилишга хизмат қилган;

турли иқлим ва географик зоналарида яшовчи болаларда аллергик касалликларнинг тарқалишини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Сирдарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023 йил 6 мартдаги № 03/01- сон хулосаси). Турли ёшдаги болалар орасида аллергик касалликлар шаклланиши хавф омиллари бўйича олинган маълумотларга асосланиб хавф гуруҳларини шакллантириш ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда мониторинг қилиш тизими амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Болаларда кечадиган аллергия касалликлар эпидемиологияси ва унинг кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар тўғрисида замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси, МДХ мамлакатлари, узоқ ва яқин хориж мамлакатларида болалар аллергия патологияларининг тарқалиши ва тузилишини акс эттирувчи илмий манбалардан олинган маълумотлар акс эттирилган. Аллергия касалликларнинг намоён бўлиши, минтақадаги тарқалиши экологик вазиятга бевосита боғлиқлиги баъзи муаллифлар томонидан тасвирланганлиги қайд этилган. Атмосфера ҳавосининг кимёвий моддалар билан ифлосланиш даражаси ва бронхиал астма, аллергия ринит ва атопик дерматит каби касалликларнинг тарқалиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, ушбу эпидемиологик тадқиқотлар болаларда аллергия касаллигининг ҳақиқий кўрсаткичларини ошқор қилишга хизмат қилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Болаларда аллергия касалликлар тарқалиши ва минтақавий клиник ва иммунологик аломатларини ўрганиш бўйича тадқиқот материали ва усуллари, бажарилган иш ҳажми”** деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган аллергиялогик, клиник, эпидемиологик ва иммунологик усуллар тавсифланган. Тадқиқот материаллари тавсифланган, натижаларнинг статистик ишлови берилган.

“Болаларда астма ва аллергияни халқаро ўрганиш – International Study of Asthma and Allergies in Childhood” тадқиқотлари ёрдамида аллергия касалликлар тарқалишини баҳолашга бўлган турли ёндашувларни бирлаштириш имконияти пайдо бўлган, ушбу тадқиқот кенг қамровли таҳлилни тақдим этган.

Жиззах вилоятида доимий яшовчи мактаб ёшидаги болалар (7-8, 13-14) орасида аллергия касалликлар тарқалишининг 3 йиллик даврини (2018-2020 йиллар) ўрганиш асосида Жиззах шаҳрининг экологик ноқулай зоналари ва Фориш, Мирзачўл туманларида эпидемиологик тадқиқот ўтказилган.

Аллергик касалликларнинг турли аломатлари кузатилган 7-8 ёш ва 13-14 ёш бўлган 110 нафар бемор болаларда ўтказилган клиник, аллергологик ва иммунологик текширувларнинг натижалари тадқиқотнинг асосини ташкил қилган.

Кузатувдаги атопик аллергия касалликларга чалинган 110 нафар болалардан 61 (55,5%) нафари ўғил болалар, 49 (45,5%) нафари эса қиз болалардан иборат, шулардан 7-12 ёшдаги болалар 63 (57,3%) нафарни, 13-14 ёшдаги болалар эса 47 (42,7%) нафарни ташкил этган.

Аллергик касалликлар билан хасталанган болаларга маиший (уй чанги ва унинг таркибидаги микроканачалар), ўсимлик-дарахт чанглари ва эпидермал аллергенлар билан тери (скарификация) тестлари қўйилган.

Хуллас, уй чанги аллергенига сенсibiliзация 20 нафар болада (18,1%), кутубхона чанги 9 нафар (8,1%), ўсимлик-дарахт чанги 58 (52,7%) нафар бемор болаларда аниқланган, 23 (21,0%) нафар болада эса эпидермал аллергенларга кузатилган.

Бемор болалар организми иммун тизими ҳолатини баҳолаш CD-дифференциация ва фаоллашув антигенлари экспрессияси бўйича ифодалаш орқали амалга оширилди. Қуйидаги маркёрлар тутувчи иммунокомпетент хужайралар аниқланган: CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD20+, CD23+, CD38+, CD25+, CD95+. Қон зардобида IgA, IgM ва IgG концентрациясини аниқлаш ИФА усули орқали “Вектор-Бест” тест тизимлари (РФ) томонидан амалга оширилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар вариацион статистика усуллари ёрдамида статистик ишланган. Стандартлаштириш ва тўлақонли статистик таҳлил ўтказиш мақсадида «Microsoft Office Excel 2013» офис дастурида маълумотлар базаси тузилган, у ўз ичига бир неча кўрсаткичларни олган. Статистик таҳлил $M \pm m$ кўринишида тақдим этилган. Кутилган қийматларнинг меъерий тақсимланиши билан, мустақил танловлар учун ўртачалар фарқнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг t-мезони ёрдамида аниқланган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга таянган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг **“Жиззах вилоятида яшовчи болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиши, махсус ташхисоти ва клиник-аллергологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида ISAAC анкета-сўров маълумотлари бўйича бронхиал астма ва бошқа аллергия касалликлар белгиларининг Жиззах вилоятида яшовчи мактаб ёшидаги болалар ўртасида тарқалиши бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Даставвал экологик ҳолат даражаси бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармаси ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят бошқармасининг тавсифномалари асосида Жиззах вилоятининг 3 та (Жиззах шаҳар, Фориш ва Мирзачўл туманлари) ҳудуди белгиланган.

Жиззах вилоятида яшовчи мактаб ёшидаги болалар орасида аллергия касалликлар тарқалишининг регионал хусусиятларини ўрганиш мақсадида икки босқичли эпидемиологик тадқиқот ўтказилган. Биринчи босқич 3210 нафар мактаб ёшидаги болалар орасида анкета сўровномасини ўтказишни ўз ичига олган (1-жадвал). Мактаб ўқувчилари орасида сўровнома ўтказиш 2020 йилнинг февраль ойидан 2021 йилнинг ноябрь ойигача ўтказилган.

1-жадвал

Сўровномада қатнашган мактаб ёшидаги болаларнинг ёши ва туар жойига қараб тақсимланиши

Шаҳар / туман	Сўров ўтказилган болалар ёши						Жами		P
	7-12 ёш			13-14 ёш			Мут	%	
	Мут	%	P	Мут	%	P			
Жиззах шаҳри	585	51,86±1,49	$\chi^2 = 9,611;$ $p = 0,008$	543	48,14±1,49	$\chi^2 = 3,392;$ $p = 0,183$	1128	35,14±0,84	$\chi^2 = 11,671;$ $p = 0,003$
Фориш тумани	586	53,18±1,50		516	46,82±1,50		1102	34,33±0,84	
Мирзачўл тумани	496	50,61±1,60		484	49,39±1,60		980	30,53±0,81	
P	$\chi^2 = 1,369; p = 0,504$								
Жами	1667	51,93±0,88		1543	48,07±0,88		3210	100,0	
P	$\chi^2 = 4,790; p = 0,029$								

Сўровномада қатнашган 3210 нафар болалар орасида аллергия белгилари 656 (20,4%) нафарида аниқланган. 2018-2020 йилларнинг расмий маълумотларига кўра, ўрганилаётган 3 йилда нафас олиш аъзолари ва аллергия патология билан касалланган болалар сони 1,5 марта кўпайган. Статистик ҳисоботларга кўра, аллергия ринит (АР) билан 1124 нафар, атопик дерматит (АтД) билан 178 нафар ҳамда бронхиал астма (БА) билан 321 нафар болалар диспансер ҳисобида туриши аниқланган.

Ушбу рақамлар Жиззах вилоятининг иқлим ва географик шароитлари турлича бўлган ҳудудларида яшовчи болалар орасида аллергия касалликлар тарқалиш даражасини ҳаққоний акс эттирмаган.

Ўтказилган текширувлар, халқаро ISAAC дастури асосида олиб борилган сўровнома натижаларига кўра атопик касалликлар белгиларининг тарқалганлик кўрсаткичи расмий статистика рақамларидан бир ярим марта юқорилигини кўрсатган.

Экспедиция усулини қўллаган ҳолда ўтказилган эпидемиологик текширув натижасида, болалар орасида аллергия касалликлар билан касалланиш тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотлар олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Болалар орасидаги аллергия касалликлар шаклланиши, юзага чиқиши, тарқалиши ва кечиши тўғрисида объектив маълумотлар олиш учун 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар орасида ўтказилган эпидемиологик текширув

орқали энг кўп учрайдиган аллергик касалликларга (БА, АтД ва АР) чалинган 110 нафар бола ажратиб олинган.

Кузатувдаги атопик аллергияга чалинган 110 нафар болалардан 61 (55,5%) нафари ўғил болалар, 49 (45,5%) нафари эса қиз болалардан иборат, шулардан 7-8 ёшдаги болалар 63 (57,3%) нафарни, 13-14 ёшдаги болалар эса 47 (42,7%) нафарни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Атопик аллергия билан хасталанган болаларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимоти

Ёши	Ўғил болалар			Қиз болалар			Ҳар икки жинс		
	Мут	%	Р	Мут	%	Р	Мут	%	Р
7-12 ёш	32	29,09±4,33	$\chi^2 = 0,424; p = 0,515$	24	21,82±3,94	$\chi^2 = 0,176; p = 0,674$	56	50,91±4,77	$\chi^2 = 0,036; p = 0,849$
13-14 ёш	27	24,55±4,10		27	24,55±4,10		54	49,09±4,77	
Жами	59	53,64±4,75		51	46,36±4,75		110	100,0±0,00	
Р	$\chi^2 = 0,564; p = 0,453$								

Болалар аллергиянинг турли шаклларида азият чекишган, жумладан АР - 45 (40,9%) нафар, БА билан - 37 (33,6%) нафар, АтД билан - 28 (25,4%) (3-жадвал). Аллергик касалликлар ташхиси тасдиқланган турли ҳудудларда яшовчи 110 нафар аллергик касалликларга чалинган болалар куйидагича тақсимланган: Жиззах шаҳрида 57 нафар (51,8%); Фориш туманида 36 нафар (32,7%); Мирзачўл туманида 17 нафар (15,4%).

Асосий касаллик кўп ҳолларда бошқа аллергик касалликлар билан биргаликда уйғунланган ҳолда қайд этилган: озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия 9 (8,1%), дори-дармонларга аллергия 3 (2,7%). Шунингдек, овқат ҳазм қилиш тизими 10 (9,1%), юрак-қон томир тизими 8 (7,2%) ва асаб тизими 6 (5,4%) соматик патологиялари ҳам қайд этилган.

3-жадвал

Болаларда аллергик касалликларнинг клиник кўринишлари шакллари бўйича тақсимланиши

Касаллик номи	Беморлар сони		Р
	Мут	%	
Аллергик ринит	45	40,91±4,69	$\chi^2 = 3,945; p = 0,139$
Бронхиал астма	37	33,64±4,50	
Атопик дерматит	28	25,45±4,15	
Жами	110	100,0	

Болаларда аллергик патологиялар ривожланишида хавф омилларининг аҳамияти катта. Улардан ирсий-конституционал омил даражаси 21 нафар (19,0%), аллергик диатезлар 17 нафар (15,4%), фокал инфекциялар 17 нафар

(15,4%), ҳомиладорлик даври токсикозлари 15 (13,6%) нафар ва сунъий овқатлантириш 12 нафар (10,9%) болаларда учрагани қайд этилган, бу ҳолат 4-жадвалда ўз аксини топган.

4-жадвал

Аллергик касалликлар ривожланишида аҳамиятли бўлган хавф омилларининг аниқланиш даражаси

Хавф омиллари	Аниқланиш даражаси		P
	Мут	%	
Ирсий - конституционал	21	19,09±3,75	$\chi^2 = 2,634; p = 0,621$
Аллергик диатезлар	17	15,45±3,45	
Фокал инфекциялар	17	15,45±3,45	
Ҳомиладорлик токсикозлари	15	13,64±3,27	
Сунъий овқатлантириш	12	10,91±2,97	

Тадқиқот олиб бориш жараёнида асосий хавф омиллари (аллергик касалликларга мойиллик, ҳомиладорликнинг патологик кечиши, чақалоқлик даври хасталиклари, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида она томонидан парҳезнинг бузилиши, боқувдаги бузилишлар, ҳаёт шароитидаги ноҳушликлар, салбий ижтимоий ва экологик омиллар, минтақанинг табиий-иқлимий хусусиятлари, томоқ-қулоқ-бурун аъзолари касалликлари) аниқланган ва болаларда аллергия касалликларнинг кейинги ривожланишига уларнинг таъсири бўйича комплекс баҳо берилган.

Аллергик касалликлардан азият чекувчи болаларнинг мактаб ўқув дастурини ўзлаштиришлари ҳам бошқа соғлом болаларга нисбатан ортда қолаётгани исботланган. Шунингдек, улар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича ҳам соғлом тенгқурларидан нисбатан ортда қолиши аниқланган ($P < 0,05$).

АР билан хасталанган 41,0 % ($n=45$) болалар томоқ, бурун, кўзда қичишиш, ачишиш каби белгиларга шикоят қилишган. Болаларнинг 21,8% ($n=24$) томоқда ва бурундаги тарқоқ қичишув қайд этилган. Ўзига хос белгилардан яна бири хуружсимон аксириш кузатилган 20,0 % ($n=22$). Бемор болалар нафас олишнинг тезлашувига ҳам шикоят этишган - 11,8 % ($n=13$).

Уларда бурун орқали нафас олиш бурундан шиллик оқиши ва шиш пайдо бўлиши ҳисобига қийинлашган - 8,1% ($n=9$). Бемор болаларни бош оғриши ва уйқунинг бузилиши ҳам безовта қилган - 7,2 % ($n=8$). 4,5% ($n=5$) болалар тажанг бўлиб қолишган.

БА касаллиги билан хасталанган бемор болалар шикоятлари касаллик ривожланиши даврларига тўғри, ўртача кучдаги ва кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган ($\rho=0,5 - 0,8$). Хуружолди даврда бемор болаларни томоқ ва бурундаги диффуз қичишиш, йўтал ва ҳансираш безовта қилган (33,6%, $n=37$).

Хуруж даврида экспиратор типдаги хансираш, турли хил оғирликдаги бўғилиш аниқ-тиниқ қайд этилган (21,8%, n=24). Бўғилиш хуружлари бир неча сониялардан бир соат ва ундан ортиқ муддатларгача чўзилган ҳолатлар ҳам қайд қилинган (8,1%, n=9). Бу хуружлар бирданига ҳеч қандай сабабларсиз, асосан тунги пайтларда уйда содир бўлган. Баъзи болаларда хуружлар уй ҳайвонлари - мушук, ит, қуён, қўй, эчки билан мулоқот натижасида ҳам содир бўлган (29,7%, n=11).

5-жадвал

Аллергик ринитга хос бўлган асосий белгилар тақсимооти (n=41)

Белгилар	Шикоят даражаси		χ ²	P
	Мут	%		
Тарқоқ кичишиш, томоқда, бурунда ва кўзларда ачишиш	24	21,82±3,94	0,200	0,655
Хуружсимон акса уриш	22	20,00±3,81	0,022	0,881
Бурун битиши ва бурун орқали нафас олишнинг қийинлашуви	17	15,45±3,45	2,689	0,101
Ринорея	14	12,73±3,18	6,422	0,011
Умумий ҳолсизлик, тажанглик ва ёмон уйқу	7	6,36±2,33	21,356	0,000
Ёруғликдан кўрқув, кўздан ёш оқиш	4	3,64±1,78	30,422	0,000
Иситма	2	1,82±1,27	37,356	0,000

Атопик аллергияга чалинган болаларда касаллик муддати (давомийлиги) бир неча ойдан ўн йилгача давом этаётганлиги аниқланган, жумладан аллергия касаллик 1 йилгача давом этганлар 12 (11%) нафарни, 1-3 йил давом этаётганлар 22 (20%) нафарни, 4-6 йил давом этаётганлар 32 (29%) нафарни, 7-10 йил давом этаётганлар 44 (40,0%) нафарни ташкил этиши аниқланган. Кўрсатиб берилишича, 110 нафар бемор боладан 98 нафарида (89,1%) асосий касаллик бошқа аллергия касалликлар билан қўшилиб келган, бундай ҳолат эшакеми, Квинке шиши бўйича 48 (43,6%) нафар, аллергия диатез бўйича 23 (20,9%) нафар, озиқ-овқат аллергияси бўйича 18 (16,3%) нафар, дори аллергияси бўйича 9 (8,1%) нафар беморларда кузатилган. Шунинг билан бирга 49 нафар (44,5%) аллергия касалликлар кузатилган болаларда асосий касаллик бошқа соматик касалликлар (ошқозон-ичак йўли, асаб, юрак қон-томир тизими касалликлари) билан қўшилиб келиши ҳолатлари ҳам аниқланган.

Болалар атопик касалликларининг муҳим кўрсаткичларидан бири наслий мойиллик ҳисобланади. Олинган маълумотлар бўйича аллергия наслий мойиллик 77 (70,0%) нафар бемор болада қайд этилган: оилавий анамнез маълумотларига кўра ота тарафдан 11 (10,0%) нафар, она томондан 24 (21,8%) нафар, бир пайтнинг ўзида ҳар иккала ота-она тарафидан 42 (38,1%) нафар болада.

Болалар атопик аллергия касалликларининг келиб чиқиши ва

сенсбилизация ривожланишига олиб келувчи омиллардан бири ҳомиладорлик даврида она томонидан парҳезнинг бузилиши ҳисобланади. Олинган маълумотлар бўйича бундай оналардан 42 (38,1%) нафари ўтказилган тадқиқот давомида аниқланган.

Ҳомила ва чақалоқда сенсбилизация ривожланишида ҳомиладорлик токсикозлари, болаларни сунъий ёки эрта аралаш овқатлантириш кабилар муҳим ўрин тутади: ҳомиладорликнинг I-ярмидаги токсикозлар 85(77,2%) нафар аёлларда, II-ярмидаги токсикозлар 25 (22,7%) нафарида қайд этилган.

Сунъий ёки эрта аралаш овқатлантиришда 46 (41,8%) нафар бемор бола бўлган. Касалликнинг клиник кечиш оғирлиги турлича бўлган.

Атопик алергик касалликларга чалинган 110 нафар бемор боладан енгил даражада 36 (32,7%) нафарида, ўртача оғирлик даража 51 (46,3%), оғир даражада 23 (20,9%) нафарида кузатилган.

Шундай қилиб, бемор болаларнинг комплекс клиник-аллергологик текширувлари асосида болалар атопик алергик касалликлари клиник кечишининг айрим хусусиятларини ошкор қилишга муваффақ бўлинган. Атопик аллергия билан асосан болаларнинг катта ёшли (13-14 ёш) гуруҳи хасталаниши аниқланган. Касалликнинг клиник шакллари намоён бўлиши касаллик давомийлиги, унинг оғирлик даражаси, йўлдош алергик ва соматик касалликлар мавжудлиги ҳамда ирсий мойиллик мавжудлигига боғлиқлиги аниқланган.

Аллергик касалликлар келиб чиқишида алергенларнинг тутган ўрни нафақат назарий, балки катта амалий аҳамият ҳам касб этади. Сенсбилизация сабабларини аниқлаш махсус тапшҳис қўйиш учун, алергик реакциялар типини билиш ҳамда асосий касалликнинг ривожланиш механизмини аниқлаш учун муҳим.

Шу муносабат болалар атопик алергик касалликларининг этиологияси ва патогенезида алергенларнинг тутган ўрнини аниқлаш вазифалардан бири бўлган. Бунинг учун алергик тестларини қўллаган ҳолда бемор болаларга ўсимлик-дарахтлар чанги, маиший (уй чанги, унинг таркибидаги микроканачалар) ва эпидермал алергенлардан тери скарификация синамалари ўтказилган ва олинган натижалар 6-, 7- ва 8-жадваллар шаклида келтирилган.

6-жадвал

Атопик алергия билан хасталанган болаларда маиший (уй чанги) алергенларига бўлган тери скарификация тестлари натижалари

Касаллик номи	Бемор болалар сони			
	Жами	шу жумладан ижобий реакциялар		
		Мут	%	m
Аллергик ринит	45	19	42,22	7,36
Бронхиал астма	37	27	72,97	7,30
Атопик дерматит	28	12	42,86	9,35
Жами	110	58	52,73	4,76

Атопик аллергия бўлган болаларда чанг (ўсимлик-дарахт чанглари) аллергенлариига бўлган тери скарификация тестлари натижалари

Касаллик номи	Бемор болалар сони			
	Жами	шу жумладан ижобий реакциялар		
		Мут	%	m
Аллергик ринит	45	30	66,67	7,03
Бронхиал астма	37	21	56,76	8,14
Атопик дерматит	28	4	14,29	6,61
Жами	110	55	50,00	4,77

Атопик аллергия билан хасталанган болаларда эпидермал аллергенларга бўлган тери скарификация тестлари натижалари

Касаллик номи	Бемор болалар сони			
	Жами	шу жумладан ижобий реакциялар		
		Мут	%	m
Аллергик ринит	45	7	15,56	5,40
Бронхиал астма	37	11	29,73	7,51
Атопик дерматит	28	9	32,14	8,83
Жами	110	27	24,55	4,10

Хуллас, уй чанги аллергенига сенсбилизация 20 нафар (18,1%), кутубхона чангига 9 нафар (8,1%), ўсимлик-дарахт чангига 58 (52,7%) нафар, эпидермал аллергенларга 23 (21,0%) нафар болада эса кузатилган.

Диссертация ишининг “Аллергик касалликларга чалинган болалар иммун ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида Жиззах вилоятининг 3 та ҳудудида яшовчи АР, БА, АтДга чалинган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 110 нафар болалар ўртасида ўтказилган иммунологик тадқиқот натижалари келтирилган.

Лимфоцитларнинг иммунрегуляцион субпопуляцияларини ўрганишда Т-лимфоцитларда номуносивлик аниқланган. Маълумки, CD4±лимфоцитлар киритилган антигенга иммун реакцияси шакланганда цитокинлар каскадида етакчи роль ўйнайди.

2-чи гуруҳ беморларда (25,2±1,5%) CD4±лимфоцитлар маркёр рецепторларининг экспрессияси сусайиши (P<0,05), 1-, 3- гуруҳ беморлар ва назорат гуруҳига нисбатан пастроқ кўрсаткичга эга бўлган, бу иммун тизими ушбу бўғинининг функционал етишмовчилигини кўрсатган.

CD4±хужайралар мутлоқ сони назорат маълумотларига нисбатан 2- ва 3- гуруҳларда сезиларли даражада ошганлигини кўрсатган.

Текширилаётган бемор болаларнинг иммун ҳолатидаги умумий хусусиятлар лейкоцитоз ва лимфоцитоздир.

Аниқланган лейкоцитоз фақат 1-гуруҳдаги беморларда ($11065,0 \pm 186,7$) назорат гуруҳига ($7400,7 \pm 254,1$) нисбатан сезиларли фарқга эга бўлган ($P < 0,05$). Барча ўрганилган гуруҳларда лимфоцитоз кузатилган, бу нисбий ва мутлоқ кўрсаткичларда акс этган.

Т-лимфоцитлар сони ҳам кўпайди, бу беморларнинг 1-гуруҳида ($56,2 \pm 2,1\%$) сезиларли фарқга эга, 3-гуруҳда эса фақат кўпайиш тенденциясига эга ($52,8 \pm 1,8\%$), лекин 2-гуруҳ Т-лимфоцитлари сони назорат кўрсаткичларига ($53,6 \pm 1,5\%$) нисбатан бирмунча қисқарди ($48,2 \pm 1,9\%$).

Иммунитетнинг гуморал қисми ишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган беморлар гуруҳларида В-лимфоцитлар популяциясида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади.

В-лимфоцитлар маркери - CD20+ ифодасини кўриб чиқишда 1-гуруҳда 1,36 марта, 2-гуруҳда 1,3 марта, 3-гуруҳда эса фақат В-лимфоцитлар кўпайиши тенденцияси аниқланди.

Гуморал жавобнинг энг муҳим кўрсаткичлари G, M ва A иммуноглобулинларидир.

Аллергик касалликларга чалинган болаларда лейкоцитларнинг умумий сони таҳлили текширилаётган болаларнинг барча гуруҳларида ўртача лейкоцитоз мавжудлигини кўрсатган.

Бу кўрсаткич бўйича назорат гуруҳи ($6308 \pm 0,8$ мкл) билан сезиларли фарқлар ($P < 0,05$) беморларнинг 1- ва 2 - гуруҳларида мавжуд эканлиги аниқланган ($10974 \pm 183,1$ мкл ва $9837 \pm 833,6$ мкл).

Яшаш ҳудудига қараб 7-14 ёшли болалар гуруҳида турли хил иммуноглобулинлар даражасини ўрганиш жараёнида баъзи хусусиятлар аниқланди.

Шундай қилиб, барча ўрганилган гуруҳларда IgG даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди ($1248,8 \pm 49,1$ пг / мл). 1-гуруҳда ($965,5 \pm 34,8$ пг/мл) бу фарқ сезиларли эди ($P < 0,05$).

IgA даражаси 1 ва 2-гуруҳларда бироз ошган, 3-гуруҳда эса назорат кўрсаткичига яқин.

IgM даражалари ва айланма иммун комплекслари нуқтаи назаридан, кўриб чиқилаётган гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади.

Диссертациянинг **“Жиззах вилояти аҳолисига ихтисослаштирилган аллергологик тиббий-профилактика ёрдамни ташкил этиш”** деб номланган бешинчи бобда болалар аллергологияси ривожланишининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг янги усуллари ва шакллари жорий этиш зарурлиги таъкидланган.

Аллергик касалликларининг профилактикасидаги муҳим қадам бу бемор болалар ва уларнинг ота-оналарини **“Аллергия ва астма мактабларида”**

ўқитиш бўлиб, у ерда улар аллергия патологиянинг сабаблари, ривожланиш механизмлари, ушбу касалликларни даволашдаги асосий тамойиллар ва усуллар ҳақида маълумот олишлари, шунингдек, ўзларининг ҳолатини назорат қилиш усуллари ўрганишлари мумкин. Бундай мактаблар беморга аллергия касалликлар муаммосининг аҳамиятини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Хуллас, аллергологияда таълим дастурлари бўйича беморларни ўқитиш борасида беморларда касалликка оид кўркувларни камайиши, рухий енгиллик, касаллик ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши, аллергияни сурункали хасталик сифатида тушуниш каби маълумотлар пайдо бўлиб, уларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига эришилади.

Бирламчи профилактика болалар ўртасида аллергия касалликларнинг тарқалишини камайтиришнинг энг самарали ва тежамкор усули ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун аллергология хонаси шифокорлари томонидан аллергия касалликлар билан оғриган, яқин қариндошлари ва ёки турмуш ўртоқларида аллергия патология мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларни қабул қилиш ташкил этишлари лозим.

Ирсий мойилликнинг аллергия касалликка ўтишининг асосий сабабларидан бири сунъий озиклантириш эканлигини ҳисобга олмоқ муҳим. Оилавий поликлиникаларда ҳомиладор аёллар тиббий кўриги жараёнида аллергия мойилликка эга бўлган аёллар аниқланиб, ушбу гуруҳ ҳомиладор аёллар ва уларнинг яқинлари билан марказ аллергологлари қуйидаги мавзуларда суҳбатлар олиб борадилар: ҳомиладорлик ва лактация даврида рационал овқатланиш, гипоаллерген ҳаёт, янги туғилган чақалоққа ғамхўрлик, эмизишнинг афзалликлари ва ҳақозо.

Кўкрак сути билан озиклантириш болаларда аллергия касалликларнинг олдини олишнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур.

Ушбу дастур аллергия касалликларга мойиллик мавжуд бўлган оналардан туғилган ва сунъий озиклантиришда бўлган болаларда аллергия касалликлар билан касалланишни камайтиришга имкон беради. Аллергологларнинг асосий мақсади аллергия касалликларга чалинган ҳар бир болада узоқ муддатли ремиссияга эришишдир.

Жиззах вилояти шароитида болаларнинг аллергия касалликлари муаммосига комплекс ёндашиш, бирламчи профилактика, ташхисот, тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон яратган таълим дастурлари, даволаш ва реабилитацияни (ихтисослаштирилган болалар муассасалари, реабилитация даволаш бўлимлари) ўз ичига олган ихтисослаштирилган ёрдамнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади.

ХУЛОСА

1. Халқаро «ISAAC» дастури сўровномаси асосида ўтказилган эпидемиологик текширув Жиззах вилоятида 7-8 ва 13-14 яшар болалар орасида аллергия касалликларнинг тарқалиши юқори эканлигини

аниқланди. Ушбу атопик патология тузилмасида бронхиал астмага - 28,5%, аллергия ринитга – 57,9% ва атопик дерматитга – 7,8% тўғри келади, болалар ва ўсмирлардаги аллергия касалликларнинг кўрсаткичи (аллергия ринитда - 2 мартаба, бронхиал астамада - 1,8 мартаба ва атопик дерматитда эса - 1,5 мартаба) расмий статистика рақамларидан юқорилигини кўрсатди.

2. Атопик аллергия касалликларга чалинган болаларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан иммунитетнинг ҳам ҳужайравий, ҳам гуморал бўғинларида дисбаланс кузатилди.

3. Болаларда аллергия патологияларнинг ривожланишида хавф омилларининг аҳамияти бизнинг маълумотларимиз бўйича: ирсий-конституционал омил даражаси -19,0%, аллергия диатезлар - 15,4%, фокал инфекциялар - 15,4%, ҳомиладорлик даври токсикозлари - 13,6% ва сунъий овқатлантириш - 10,9% ташкил этди.

4. Аллергия касалликларининг профилактикасидаги муҳим қадам бу - бемор болалар ва уларнинг ота-оналарини *Аллергия ва Астма мактаб*ларида ўқитиш бўлиб, у ерда улар аллергия патологиянинг сабаблари, ривожланиш механизмлари, ушбу касалликларни даволашдаги асосий тамойиллар ва усуллар ҳақида маълумот олишади, шунингдек, ўзларининг ҳолатини назорат қилиш усулларини ўрганишади. Мазкур муаммога комплекс ёндашиш, бирламчи профилактика, ташхисот, тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон яратган таълим дастурлари, реабилитацияни ўз ичига олган ихтисослаштирилган ёрдамнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади.

**УЧЕНОГО СОВЕТА DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НЕЪМАТОВА ХИЛОЛА ГАФУРОВНА

**РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ, КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ
ПРОЯВЛЕНИЯ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ БОЛЕЗНЕЙ У ДЕТЕЙ,
ПРОЖИВАЮЩИХ В ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ**

14.00.36 - Аллергология и иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/Tib1458.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Юлдашов Илхом Рузиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Гариб Виктория Фирузовна
доктор медицинских наук, профессор (Австрия)

Ведущая организация:

**Санкт-Петербургский государственный
педиатрический медицинский университет
(Российская Федерация)**

Защита состоится «__» _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.04.2022.tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г.Бухара, пр-т.Наваи,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г. Бухара, пр-т. Наваи,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2023 года).

А.Ш.Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н.Казакова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Б.З. Хамдамов

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Проблема аллергии – одна из главных и важнейших проблем современности. Он очень хорошо известен не только специалистам, но и широкой публике. Выбор

этой темы не случаен, ведь эти заболевания широко распространены и склонны к росту, «...до 12-15% населения земного шара страдает аллергией, тревожным предостережением служит тяжелое клиническое течение, рост случаев, часто заканчивающихся летальным исходом...»¹.

Международная статистика свидетельствует о том, что за последние два десятилетия заболеваемость аллергией увеличилась в 3-4 раза практически во всех странах мира, отмечается тенденция к развитию более тяжелых клинических проявлений заболевания. Поэтому важно выявлять аллергические заболевания у детей, изучать их распространенность на основе данных международной эпидемиологической программы ISAAC и на этой основе совершенствовать методы ранней диагностики и лечения.

Несмотря на высокую распространенность аллергических заболеваний в мире, проблема аллергии часто остается без внимания, установлено, что в большинстве случаев детских заболеваний на практике больные вообще не получают адекватного лечения или лишь изредка лечатся симптоматическими препаратами, и самолечение распространено. В последние годы зарубежные исследователи уделяют внимание клинико-иммунологическим аспектам аллергических заболеваний у детей, распространенности и интенсивности возникновения этих заболеваний у детей, различным методам лечения и профилактики этих патологий. Полученные результаты по разработке новых методов диагностики аллергических заболеваний у детей, выявлению факторов риска развития аллергических заболеваний, в том числе пищевой аллергии у детей, являются требованием времени. Поэтому возникает необходимость детальных аллергологических исследований в различных аспектах современной общей и клинической аллергологии (распространение, этиология, патогенез, особенности течения, специфическая диагностика и терапия). Среди них важное место занимает изучение региональной аллергологии.

В нашей стране предпринимаются большие усилия по оказанию качественной медицинской помощи населению, предупреждению образования и развития аллергических заболеваний у детей, снижению склонности к развитию этих заболеваний, обеспечению медицинской безопасности для предотвращения подобных ситуаций. В связи с этим часть 4 из 7 приоритетов, указанных в Новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, цель 56 «...комплексное мероприятие, направленное на реализацию программы охраны здоровья населения на 2022-2023 годы, повышение потенциал медицинских работников и развитие системы здравоохранения - реализация мероприятий...»² определены 2 задачи. Исходя из этого, важно определять аллергическое состояние детей разного возраста,

¹ Achilova D.N., Khushvaktova M.F. Clinical-Immunological Methods of Clinical-Immunological Research of Atopic Dermatitis in Children Permanently Residing in the Area of Oil Refining Enterprises // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - USA, 2022. - N12(10). - P.1034-1038.

